



CONCEPT OF SUCCESSION, LEGATEE AND HEIR

Alisher Olimovich Yuldashov

judge

Intermediate interdistrict court for civil cases

Ortachirchik, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Inheritance, right of succession, heir, succession, legatee.

Received: 16.02.24

Accepted: 18.02.24

Published: 20.02.24

Abstract: In this article, an attempt is made to clarify the concept of the expressions such as the right of inheritance, the right of succession, inheritance, heir, inheritance, bequeather.

ВОРИСЛИК ТУШУНЧАСИ, МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ ВА МЕРОСХЎР

Алишер Олимович Юлдашов

судья

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди

Ўртачирчиқ, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мерос, ворислик ҳукуқи, меросхўр, ворислик, мерос қолдирувчи.

Аннотация: Ушбу мақолада мерос ҳукуқи, ворислик ҳукуқи, мерос, меросхўр, ворислик, мерос қолдирувчи деган иборалар тушунчасини ёритишга ҳаракат қилинган.

ПОНЯТИЕ О ПРАВОПРЕЕМСТВЕ, ОТКАЗОПОЛУЧАТЕЛЕ И НАСЛЕДНИКЕ

Алишер Олимович Юлдашов

судья

Промежуточный межрайонный суд по гражданским делам

Ортачирчиқ, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Наследование, право наследования, наследник, правопреемство, отказополучатель.

Аннотация: В данной статье предпринята попытка уточнить понятие таких выражений, как право наследования, право наследования, наследование, наследник, наследство, завещатель.

КИРИШ

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ворислик ҳуқуқи фуқароларнинг мол-мулки институти, уни доимий равишда такомиллаштириш ва ривожлантириш, ушбу ҳуқуқни мустаҳкамлаш билан боғлиқдир, бундан ташқари, у оила институтини ривожига ҳам ҳисса қўшиши керак, чунки ворислик биринчи навбатда, қон-қариндошлик, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни тартибга солади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қонунчиликнинг қон-қариндошлик нормалари жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, чунки улар деярли барча фуқароларнинг манфаатларига таъсир қилади. Уларни амалга ошириш нафақат суд ва нотариал органларнинг, балки меросхўрлар ва васият қилувчиларнинг ҳам жавобгарлигидир. Ворислик ҳуқуқи масалаларида аҳолининг ҳуқуқӣ маданияти қанчалик кам бўлса, судья ва нотариус органига юк шунчалик кўп тушади.

Аввало, мерос, меросхўр, ворислик, мерос қолдирувчи деган ибораларни яхшилаб тушуниб олиш керак бўлади.

Мерос нима? Мерос деганда биз фуқароларнинг вафот этган кунда уларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисини тушунамиз.

Халқ орасида мерос деганда, вафот этган шахсдан қолган мол-мулк тушунилади. Яъни мерос-бу меросхўрлар томонидан марҳумнинг нарсаларини олиш, деб ҳисобланади.

Аслида бу фикрлар мерос моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Рус тадқиқотчиси Э.Б.Эйдинова меросни «шахсга тегишли хусусий мулкларни, мулкӣ ҳуқуқларни, шунингдек, баъзи номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни унинг ўлиmidан сўнг бир ёки бир нечта шахсга ўтиши» К.Р.Победоносцев меросни фақат "ўлим муносабати билан барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган мулкни бошқа шахсга ўтказилиши, вориснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга киришиши" деган бўлса, Г.Ф.Шершеневич мероснинг ҳуқуқӣ табиатини қуйидагича таърифлади: "Шахс иштирок этадиган умумий ҳуқуқӣ муносабатлар, унинг ўлими билан тўхтамайди, балки янги шахсга ўтади. Янги одам эскисини алмаштиради ва марҳумнинг эгаллаган жойига қараб, унинг ҳуқуқӣ муносабатларида фаол ёки пассив позицияни эгаллайди."

Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари, ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида мерос тушунчаси берилмаган ва фақат мерос таркиби билан изоҳланган. Яъни, Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига асосан, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкӣ ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

Баён этилганларга асосан, мерос тушунчасини биз мерос қолдирувчининг вафоти ёки вафот этган деб топилиши оқибатида унинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари муомаладаги мол-мулки, мулкӣ ҳуқуқлари ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир нечта меросхўрларга ўтиши десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мерос ҳуқуқи эса фуқаронинг вафоти ёки вафот этган деб топилиши муносабати билан унинг мулкӣ, мулк билан боғлиқ бўлган шахсий-номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бевосита меросхўрлар томонидан қабул қилиб олишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.¹²

Маълумки, ҳар бир шахс ҳаётлик даврида жамиятда ҳар хил муносабатларга киришади. Бу муносабатлар шахснинг хоҳиш иродаси билан ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келишидан қатъи назар маълум бир қонун-қоидалар билан тартибга солинади. Муносабатга киришган шахс эса, маълум бир ҳуқуққа эга бўлади ва шу билан бирга, маълум бир мажбуриятни ҳам ўз зиммасига олади. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар қоида тариқасида шахс вафот этган тақдирда ҳам ўзининг ҳуқуқий кучини сақлаб қолади

ва бекор бўлмайди. Фақат вафот этган шахс ҳуқуқ ва мажбуриятлари у томонидан тайинланган ёки қонунда белгиланган меросхўрларга ўтади.

Бироқ қонун чиқарувчи шахсан вафот этган фуқаро шахси билан чамбарчарс боғлиқ бўлган ва бошқаларга ўтказиш мумкин бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқларни белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида мерос ҳуқуқи мероснинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қўриқлаш ва тасарруф этиш, меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартларини белгилаб берувчи нормалар йиғиндисидан иборат.

Ворислик эса, мерос мулкни маълум шахсларга мерос очилгандан кейин ўтиш тартиби ҳисобланиб, қонунда унинг икки йўли белгилаб қўйилган. Ворислар қонун билан белгиланиб қўйилган бўлади ёки мерос қолдирувчи томонидан васиятномада белгиланади.

Ворислар, асосан, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслардан иборат бўлгани сабабли, ворислик ҳуқуқи оила ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Ворислик — ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури сифатида мол-мулкнинг ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан (мерос қолдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхўрларга) ўтиши билан боғлиқ.

Демак, ворислик ҳуқуқи вафот этган шахснинг хусусий мулкни, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиш шартлари ва тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидир.

Ворислик ҳуқуқи мерос ҳуқуқининг бир қисми сифатида мерос таркибига кирган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонунда белгилаб қўйилган ҳамда васиятномада мерос қолдирувчи томонидан кўрсатилган шахсларга қонунда назарда тутилган ёки мерос қолдирувчи томонидан белгиланган шарт ва тартибда ўтиш қоидаларини жамлайди.

Қисқача айтганда, ворислик ҳуқуқи вафот этган (мерос қолдирувчи) шахс мулкнинг ворисларга ўтиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Хулоса шуки, ворислик ҳуқуқи мерос ҳуқуқи мазмунини тўла ўз ичига олмасдан, балки унинг бир қисмини, фақатгина мерос мулкнинг ворисларга ўтиш шarti ва тартибини белгилайди, холос.

Меросхўр ва мерос қолдирувчининг таърифлари ҳам илмий ва ҳуқуқий қисмларга бўлиниши керак. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида ушбу субъектларнинг тўғридан-тўғри ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас.

Вафотидан кейин ворислик ҳуқуқи асосида мол-мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсларга ўтадиган шахслар мерос қолдирувчи бўлиб саналадилар. Мерос қолдирувчи ўзининг хусусий мулкани, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини вафот этганидан кейин тасарруф этиш ҳуқуқининг кимга ўтишини амалдаги қонунлар асосида белгилаб қўйиш бўйича фармойиш бериш ҳуқуқига эга.

Мерос қолдирувчининг ўз хоҳиш-иродаси билан белгиланган шарт ва тартибдаги ворислик **васият бўйича ворислик** дейилади.

Агар мерос қолдирувчи хусусий мулкнинг вафот этганидан кейинги тақдирини белгилаб қўймаган бўлса, **ворислик қонун бўйича амалга оширилади**.

Демак, қонунда белгилаб қўйилган ёки васиятномада махсус кўрсатилган мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган шахслар — ворис, яъни меросхўр ҳисобланадилар.

Меросхўр бўлиш шахснинг фуқаролигига ёки муомала лаёқатига боғлиқ эмас.

ФКнинг 1118-моддасига асосан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлигида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари қонун бўйича меросхўр ҳисобланиб, васият бўйича ҳам меросхўр бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахс билан бир қаторда, юридик шахслар ҳам, шу жумладан, давлат ва унинг органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўла оладилар.¹

Аммо, мерос мулкнинг тақдирини ҳал қилиш васият бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда, мерос қолдирувчи, албатта, тўла муомала лаёқатига эга бўлиши шарт.

Мерос қолдирувчи вафот этган пайтда ҳаёт бўлмаган, қонун бўйича ворислар доирасига кирган шахсларнинг ҳиссалари, одатда, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича уларнинг ворисларига ўтади.

Демак, ворислик ҳуқуқининг вазифаси вафот этган шахснинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга, ўтишини қонун билан белгиланган тартибда таъминлашдан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-қисм - <https://lex.uz/uz/docs/180552#196712>

Мероснинг очилиши-бу ворислик ва мерос ҳуқуқининг пайдо бўлишини қонун билан боғлайдиган муайян ҳуқуқий фактларнинг бошланиши, яъни, мерос ҳуқуқига олиб келадиган бундай ҳолатларнинг пайдо бўлишидир. Улар фуқаронинг ўлими ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суд қарорининг кучга киришидан иборат. Чунки, ушбу ҳодисалар содир бўлиши, мерос очишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1116-моддасида айтилишича, мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Мерос очилган пайтда мерос массаси (мерос мулкнинг ҳажми) аниқланади, барча асосий меросхўрларнинг таркиби ва доираси ҳамда уларнинг мерос ҳуқуқларининг қонунийлиги белгиланади.²

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1117-моддасига мувофиқ, мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.³

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 61-бобининг нормаларига асосланиб, мерос қолдирувчини мол - мулки, мулкый ҳуқуқлари ва баъзи шахсий ҳуқуқлари, шунингдек мажбуриятлари мерос ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан мерос қилиб олинган шахс сифатида аниқлаш мумкин. Меросхўр-қонун ёки васият бўйича мерос қолдирувчининг мулкни универсал ворислик тартибида мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Ҳар ким меросхўр бўлиши мумкин. Бунга шахснинг ёши, фуқаролиги ва ногиронлиги таъсир қила олмайди. *Ягона муҳим нарсა шундаки, меросни қабул қилиш вақтида меросхўр тирик бўлиши керак ва васият қилувчи ўлиши керак.*

Бироқ, қонун туғилмаган фуқаро ёки бошқа шахс меросхўр бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутати. Бола туғилишидан олдин эркак фуқаро вафот этган тақдирда, янги туғилган чақалоқ, албатта, қонун бўйича меросхўрга айланади. Умуман, фуқаро ҳар қандай туғилмаган одамга мерос қолдириши мумкин. Одатда, ота бобонинг розилиги билан мерос қолдирувчининг туғилишини ҳеч қачон қутмаган келажакдаги набираси фойдасига меросдаги улушидан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда туғиладиган бола

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-қисм - <https://lex.uz/uz/docs/180552#196712>

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-қисм - <https://lex.uz/uz/docs/180552#196712>

конун бўйича шартсиз меросхўрга айланди. Фуқаролик ҳуқуқи фанида бундай чақалоқлар Рим ҳуқуқи давридан бери ҳам **“насцитурус”** деб аталади. Бир кунда меросхўр ҳам, васият қилувчи ҳам вафот этган энг кам ҳолларда, улар иккаласи ҳам бир-бирига нисбатан мерос ҳуқуқларини йўқотадилар ва Рим ҳуқуқининг классик анъаналарига кўра оддий одамлар деб аталади.

Мумкин бўлган ирсий мерос ва унинг чекловлари билан боғлиқ муҳим Қонунчилик нормалари ҳам мавжуд. Аслида мерос қолдирувчига тегишли бўлган, лекин исталган вақтда фуқаролик муомаласидан чиқарилган мулк давлат томонидан олиб қўйилиши керак. Васият қилувчи томонидан ноқонуний равишда олинган мулк мерос объекти бўла олмайди. Ва энг муҳими, мерос қолдирувчининг нафақат ҳуқуқлари, балки мажбуриятлари ҳам мерос қилиб олинади. Барча меросхўрларни конун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам рад этиш ҳолатлари жуда кўп. Бу мерос қолдирувчининг катта қарзлари туфайли. Ҳозирги вақтда юридик фан мумкин бўлган ҳуқуқий муаммоларни батафсил кўриб чиқмоқда: банк депозитларини мерос қилиб олиш, акциялар, интеллектуал ҳуқуқларни мерос қилиб олиш, фуқароларнинг ихтиролари ва бошқа кўплаб масалалар. Фақат шахсий ва қонунга мувофиқ шахсдан ажратиб бўлмайдиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мерос қолдирувчининг ўлими билан тўхтатилади, мерос орқали ўтмайди (энг кўп учрайдиган мисоллардан бири алимент қарзлари).

Шундай қилиб, мерос - бу мулк ва баъзи шахсий номулк ҳуқуқлар, шунингдек мерос қолдирувчининг ўлими туфайли тўхтамаган, лекин умуман меросхўрларга мерос ҳуқуқи нормалари асосида ўтган мажбуриятлардир (васият ёки конун бўйича ворислик билан).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., Адолат-2023 й.;
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Т., Адолат-2022й.;
3. Эйдинова Э.Б. «Наследование по закону и завещанию». // М., 1985.
4. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. Т. 2. - М.: Статут, 2005. С.332
5. Гражданское право: Учебник. Ч. 3. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект, 2008. Б.115
6. Википедия-Свободная энцикло- <https://ru.wikipedia.org/wiki/Насцитур>